

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ НОМИДАН  
Ҳ У К М

2023 йил ноябрь ойининг 2 куни, жиноят ишлари бўйича Термиз шаҳар суди ўз биносида очиқ суд мажлисида, раислик қилувчи А.Мирзаев, судья ёрдамчиси Н.Хасановнинг котиблигида, тарафлардан давлат айбловчиси Термиз шаҳар прокурорининг ёрдамчиси Э.Нуриддинов, судланувчи М.Буранов ва унинг ҳимоячиси адвокат Б.Шеровнинг иштирокида, Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан айбланиб судга берилган [REDACTED] 1-1901-2301/468 жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

[REDACTED] куни Термиз шаҳрида туғилган, миллати тожик, ўзбек тилини яхши билади, таржимонга муҳтож эмас, Ўзбекистон фуқароси, Термиз шаҳар Ободонлаштириш бошқармасида ишчи, маълумоти ўрта-махсус, муқаддам судланмаган, оилали, 6 нафар фарзанди бор, [REDACTED], унга нисбатан тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов далолатнома нусхасини ўз вақтида олган, ўз сўзидан соғлиги яхши, судга жавоб бера олади.

Суд, судланувчи ва гувоҳнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши материалларини ўрганиб чиқиб, ишда мавжуд бўлган далилларга ҳуқуқий баҳо бериб, томонларнинг музокара нутқларини ва судланувчининг охириги сўзини тинглаб, қуйидагиларни

а н и қ л а д и :

Сурхондарё вилоят ИИБ ТҚХ ЖҚБ ходимлари томонидан 2023 йил 11 сентябрь куни Термиз шаҳри “Алпомиш” маҳалласи А.Навоий кўчасида велосипед билан ҳаракатланиб бораётган М.Бурановнинг ўзини тутиши ва ҳаракатлари шубҳали кўринганлиги сабабли холислар иштирокида тўхтатилиб, унинг эғнидаги кийимлари кўздан кечирилганда, шимининг ўнг чўнтагидан бир дона целлофан бўлагига қадоқланган тўқ-малла рангли, ўзига хос ҳидли ИИБ ЭКБнинг 11.09.2023 йилдаги 225-сонли суд-кимёвий экспертиза хулосасига кўра, оғирлиги 0,98 грамм бўлган «Гашиш» гиёҳванд моддаси борлиги аниқланиб, тегишли тартибда расмийлаштириб олинган.



Сурхондарё вилояти наркология диспансерининг 21.09.2023 йилдаги 218-сонли амбулатор суд-наркологик экспертиза далолатномасига кўра, М.Бурановда наркомания (гашиш) билан касалланган, мажбурий тиббий даволанишга муҳтож деб аниқланган.

Судланувчи ██████████ суд мажлисида, айбига иқрорлик билдириб, 2023 йилнинг бошларидан бошлаб, бир неча мартага гашиш гиёҳвандлик моддасини полиэтилен бакалашка ичига ёқиб, унинг тутунини чекиш йўли билан истеъмол қилганлиги, бу гиёҳвандлик моддасини Халимова Елена исмли танишидан олганлиги, Е.Халимова билан 2020 йилларда Жайхун маҳалласида вақтинчалик яшаб юрган вақтида у билан яқин танишиб қолганлиги, 2023 йил баҳор фаслида унинг вақтинчалик яшаш хонадони бўлмиш Термиз шаҳар Боғзор маҳалласи Авесто кўчаси 12-уйига меҳмондорчиликка борган вақтида соғлиги бўлмаганлиги сабабли унинг ўзи 2 грамм гашиш гиёҳвандлик моддасини текинга берганлиги, бу гашиш моддасини тахминан 5-6 марта истеъмол қилганлиги, Еленадан бошқа бирон марта ҳам гиёҳвандлик моддасини олмаганлиги, Еленанинг гашиш гиёҳвандлик моддасини бошқа бировга берганини ёки сотганини кўрмаганлиги, Елена 2023 йил 10 июнь куни ўзининг хасталиги туфайли вафот этганлиги, Елена берган 2 граммлик гашиш гиёҳвандлик моддасидан 1 граммдан кўпроғини истеъмол қилганлиги, қолган 1 граммга яқин гашиш гиёҳвандлик моддасини уйда болалари кўриб қолмасин деб, ҳар доим шимининг чўнтагида сақлаб юрганлиги, уйда ўзидан бошқа ҳеч ким гиёҳвандлик моддасини истеъмол қилмаслиги, фақат бир ўзи истеъмол қилганлиги, бошқа бировга сотмаганлиги, 2023 йил 11 август куни Термиз шаҳар Алпомиш маҳалласи А.Навоий кўчасида Эски Юбилейни бозори олдида соат 22<sup>30</sup>ларда пиёда уйга қайтаётган вақтида ўша ерда қўшниси Р.Мингбаевни кўрганлиги, кейин у билан бирга пиёда уйга қайтаётган вақтида, ўзларини Сурхондарё вилояти ИИБ ТҚХ ЖҚБ ходимлари деб хизмат гувоҳномаларини кўрсатган ҳолда ўзларини таништирганлиги, шу пайт икки нафар холис иштирокида ёни кўздан кечирилганда эғнида бўлган қора рангли шимининг ўнг чўнтагидан оқ целлофан пакетга ўралган бир бўлак гашиш гиёҳвандлик моддасини топишганлиги, ёнидан бошқа тақиқланган ашё ёки буюм олинмаганлиги, тўхтатиб текширилган воқеа жойи жамоат жойи бўлганлиги сабабли тергов олди суриштирув ҳаракатларини олиб бориш ва ушбу жойда етарлича техника воситалари мавжуд бўлмаганлиги сабабли холислар иштирокида вилоят ИИБ маъмурий биносига олиб борилганлиги, ИИБ ходимлари ушбу маҳсулот нима эканлигини сўраганида, уларга бу гиёҳвандлик моддаси эканлигини ва ўзининг бетоблиги сабабли, ушбу гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш учун олиб юрганлигини айтганлиги, шундан сўнг ушу модда ўлчаб кўрилганда унинг оғирлиги 1.03 грамм эканлиги аниқланганлиги, шундан сўнг ушбу гиёҳвандлик моддаси холислар иштирокида оқ рангли конвертга солиниб, текшириб тақдир қилиш учун олиниб, тадбир иштирокчилари ҳамда ўзи томонидан



имзоланганлиги, қилган ишидан пушаймонлиги, қарамоғида 6 нафар фарзандлари борлиги, ўзининг соғлиги ҳам яхши эмаслигини баён қилиб кўрсатув берди.

Гувоҳ [REDACTED] суд мажлисида, 2023 йил 11 сентябрь куни шахсий ишлари билан Термиз шаҳрида юрган вақтида ИИБ ходимлари бир ишда холис сифатида иштирок этишини сўрашганлиги, ўзидан ташқари яна олдиндан таниш бўлмаган бир шахс холис сифатида иштирок этишга рози бўлганлиги, шундан кейин ИИБ ходимлари билан биргаликда 2023 йил 11 сентябрь куни Термиз шаҳар “Алпомиш” маҳалласига боришганлиги, ИИБ ходимлари ўзларининг иштирокида кейинчалик шахси маълум бўлган Буранов Мухтор Рузикуловични А.Навоий кўчасида ҳаракатланиб кетаётганида тўхтатишиб, унга тезкор тадбир кетаётганлигини ва ёнида бўлган барча нарсаларни ўз хоҳиши билан чиқаришлигини сўрашганлиги, шунда ўзларини иштирокида М.Бурановнинг ёнида бўлган нарсалар кўздан кечирилганда унинг қора рангли шимининг ўнг чўнтагидан бир бўлакда қадоқланган ўткир ҳидли “гашиш” гиёҳвандлик моддасига ўхшаш модда аниқланганлиги, шу ернинг ўзида ушбу модда ўлчаб кўрилганда жами оғирлиги 1.03 грамм эканлиги аниқланганлиги, ушбу модда келгусида текшириб кўришлик учун олиб кўйилганлиги, М.Бурановнинг ёнидан бошқа тақиқланган ашё ёки буюм олинмаганлиги, ушбу тўхтатиб текширилган воқеа жойи жамоат жойи бўлганлиги сабабли сабабли қолган тергов олди суриштирув ҳаракатларини олиб бориш ва ушбу жойда етарлича техника воситалари мавжуд бўлмаганлиги сабабли холислар иштирокида М.Буранов вилоят ИИБ маъмурий биносига олиб келинганлиги, ИИБ ходимлари М.Бурановга ушбу маҳсулот нима эканлигини сўраганида, у ушбу модда гиёҳвандлик моддаси эканлиги, ўзининг бетоблиги сабабли мазкур гиёҳвандлик воситасини истеъмол қилиш учун олиб юрганлигини айтганлиги, М.Бурановдан ушбу гиёҳвандлик моддасига ўхшаш моддани қачон кимдан сотиб олганлигини сўрашганида, у гиёҳвандлик моддасини ҳозирги кунда вафот этган Халимова Елена исмли шахсдан истеъмол қилиш учун олганлигини айтганлиги, шундан сўнг ушбу гиёҳвандлик моддаси холислар иштирокида оқ рангли конвертга солиниб, текшириб кўришлик учун олиниб, тадбир иштирокчилари томонидан баённома тузилганлиги, холислар ва бошқа иштирокчилар ИИБ ходимлари томонидан тузилган баённомалар билан танишиб имзо қўйишганлиги, ИИБ ходимлари томонидан ноқонуний хатти-ҳаракат содир этилмаганлигини баён қилиб кўрсатув берди.

Судланувчи [REDACTED] айби, судда ўзининг айбини инкор этмаган ҳолда айбига иқрорлик ва пушаймонлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари, видеокамера қўллаган ҳолда ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ва ашёвий далил қарори, экспертиза хулосаси ҳамда жиноят ишида тўпланган бошқа ҳужжатлар билан исботланган.



Суд судланувчи [REDACTED] жиноий ҳаракатига юридик баҳо бериб, дастлабки тергов органи томонидан унинг жиноий ҳаракатини Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузатилиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланиши кераклиги;

Жиноят кодексининг 8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилона бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги;

Ушбу Кодекснинг 42-моддасида, жазо маҳқумни ахлоқан тузатиш, унинг жиноий фаолиятни давом эттиришига тўсқинлик қилиш ҳамда маҳқум, шунингдек бошқа шахслар янги жиноят содир этишининг олдини олиш мақсадида қўлланилиши қайд қилинган.

Шу сабабли суд, ушбу қонун талаби ва Пленум қароридаги тушунтиришларидан келиб чиқиб, қонуннинг инсонпарварлик ва одиллик принципларига риоя этган ҳолда жазо тайинлашликни лозим топади.

Суд, судланувчи [REDACTED] нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги қарорининг 3-бандида, Жиноят кодексининг 8,54-моддалари мазмунига кўра, жазо адолатли бўлиши-ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги ҳақидаги тушунтиришларига амал қилган ҳолда унинг айбига иқrorлик билдириб, ҳозирда содир этган жиноятининг оқибатларини тўла англаб етганлигини, қилмишидан пушаймонлигини, оилавий аҳволини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб баҳолаб, унга Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан модда санкциясида назарда тутилган озодликни чеклаш жазоси тайинлашни, унга нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чорасини ҳукм қонуний кучга кирганидан сўнг бекор қилишни;

Шунингдек, суд, суд-наркология экспертизасининг 2023 йил 21 сентябрдаги 218-сонли хулосасига кўра, [REDACTED] наркомания гашиш) билан касалланганлигини инобатга олиб, унга нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан гиёҳвандликдан (гашиш) касаллигидан даволаниш тиббий йўсиндаги чораси тайинлашликни;

иш бўйича ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш ёзиб қилинган бир дона диск жиноят иши билан бирга сақлашни;



иш бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси хўжалик бўлимида сақланаётган (2023 йил 29 сентябрда 00341-сонли квитанция билан қабул қилинган) 0.96 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситалари ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилишни лозим топади.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 454-457, 462-463, 465-468, 471-473, 497<sup>3</sup>, 497<sup>4</sup>-моддаларига амал қилиб, суд

#### Ҳукм қилади:

\_\_\_\_\_ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбли деб топилсин.

\_\_\_\_\_ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 276-моддаси 1-қисми билан 2 (икки) йил озодликни чеклаш жазоси тайинлансин.

\_\_\_\_\_ сутканинг муайян вақтида яъни, соат 22:00 дан 06:00 гача бўлган вақт оралиғида \_\_\_\_\_ н чиқиши тақиқлансин.

\_\_\_\_\_ зиммасига қуйидаги қўшимча тақиқлар (чеклашлар) юклансин.

-Сурхондарё вилояти ҳудудидан ташқарига чиқмаслик;

-назорат қилувчи органнинг (ички ишлар органлари Пробация бўлимининг) розилигисиз яшаш ва иш жойларини ўзгартирмаслик мажбурияти юклансин.

Озодликни чеклаш тариқасидаги жазони ижро этиш Термиз шаҳар ИИБ Пробация гуруҳи томонидан амалга оширилсин.

\_\_\_\_\_ Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси бешинчи қисмига мувофиқ, жазони ўташ даврида ўзининг жинойий қилмишларини англаб етган, тузалиш йўлига қатъий ўтган, етказилган моддий зарарнинг ўрнини қоплаган бўлса, суд маҳкумга нисбатан илгари тайинланган тақиқларни (чеклашларни) тўлиқ ёки қисман бекор қилиши мумкинлиги, ЖКнинг 48<sup>1</sup>-моддаси олтинчи қисмига мувофиқ, озодликдан чеклаш тариқасидаги жазони ўташдан қасддан бўйин товлаган, шунингдек суд томонидан ўз зиммасига юкланган мажбуриятларни (чекловларни) бажармаган тақдирда, суд озодликни чеклаш жазосининг ўталмай қолган муддатини бошқа турдаги жазога алмаштирилиши мумкинлиги ҳақидаги оқибатлар тушунтирилсин.

\_\_\_\_\_ нисбатан Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 96-моддасига асосан наркомания (гашиш) касаллигидан гиёҳвандликдан мажбурий даволаш чораси қўлланилсин.

\_\_\_\_\_ нисбатан қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси ҳукм қонуний кучга киргач бекор қилинсин.



Иш бўйича ашёвий далил сифатида эътироф этилиб, ДХХ Сурхондарё вилоят бошқармаси хўжалик бўлимида сақланаётган (2023 йил 29 сентябрда 00341-сонли қвитанция билан қабул қилинган) 0.96 грамм “гашиш” гиёҳвандлик воситалари ҳукм қонуний кучга киргач йўқ қилинсин.

Ҳукмдан норози томонлар ҳукм эълон қилинган кундан, маҳкум ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб йигирма сутка муддат ичида шу суд орқали Сурхондарё вилоят судининг жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатига апелляция тартибида шикоят қилишга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидир.

Раислик қилувчи:

А.Мирзаев

